

Ким нима қилса, ўзи жавоб беради

Image not found or type unknown



19:00 / 08.01.2024 3410

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

﴿مَنْشُورًا يَلْقَاهُ مِنْتَبَأِ الْيَمِّ يَوْمَ لَهُ، وَنُجْرٍ عَنقِهِ فِي طَيْرِهِ، الزَّمَنَةُ إِنْسَانٍ وَكُلَّ﴾

«Ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига боғлаб қўйганмиз ва қиёмат куни унга бир китоб чиқарамизки, у унга очилган ҳолда рўбарў бўлур» (Исро сураси 13-оят).

Ҳар бир инсон яхшими, ёмонми, амал қилса, унинг амали ўзи билан бўлади, ундан ажрамайди. Қуръони Карим инсонга шу маънони мужассам ҳолда ҳис эттириш учун амалини худди бўйинга осиб қўйиладиган нарса қилиб кўрсатмоқда. Инсон яхши билиши лозимки, унинг ҳар бир қилган иши бўйнига осилиб боради. Ундан тониб, мен қилганим йўқ, деб қутулишнинг имкони йўқ. Бунинг устига, қиёмат куни унга очиқ бир китоб чиқариб

кўрсатилади. Ўша очиқ китобда унинг ҳамма амаллари аниқ шаклда битилган бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб бўлади. Демак, инсон фақат яхши амал этиши, ёмон амалдан ҳазар қилиши лозим. Чунки ўша қиёмат куни ҳар бир инсонга:

حَسِيبًا عَلَيْكَ الْيَوْمَ بِنَفْسِكَ كَفَىٰ كُنْبَكَ أَقْرَأَ ﴿١٤﴾

«Китобингни ўқи, бугунги кунда ўзингга ўзинг ҳисобчиликка кифоя қилурсан (дейилур)» (Исро сураси 14-оят).

Бошқа ҳисобчининг кераги йўқ. Ҳамма ишларинг шу китобда ёзилган, ўқиб олсанг, бўлди. Ўзинг ўзингга ҳисобчисан, гувоҳсан.

رَسُولًا نَبَعْتَ حَتَّىٰ مُعَذِّبِينَ كُنَّا وَمَا أُخْرَىٰ وَزَرَ وَازِرَةٌ تَزِرُ وَلَا عَلَيْهَا يَضْلُ فَإِنَّمَا أَهْتَدَىٰ مَنِ ﴿١٥﴾

«Ким ҳидоятга юрса, ўзи учунгина ҳидоятга юрадир. Ким залолатга кетса, ўзи учунгина залолатга кетадир. Ҳеч бир юкли жон ўзганинг юкини кўтармас. Токи расул юбормагунимизча, азобловчи бўлган эмасмиз» (Исро сураси 15-оят).

Аллоҳ таоло умумий қоида шундай бўлишини ирода этган. Ҳар ким ўзи учун жавоб беради. Яхшилиқ қилса, ҳидоят йўлига юрса, ўзи учун қилган бўлади. Бошқа учун эмас.

«Ким ҳидоятга юрса, ўзи учунгина ҳидоятга юрадир».

Унинг ҳидоятга юриши бошқага фойда келтирмайди. Инчунин, Аллоҳга ҳам унинг ҳидоятга юришидан бирор манфаат йўқ.

«Ким залолатга кетса, ўзи учунгина залолатга кетадир».

Зиёни ўзига қайтади. Аллоҳ таолога ҳеч қандай зиён етмайди. Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларини тутган даъватчиларга ҳам зарар етмайди. Зарар фақат залолатга кетган шахсинг ўзигагина етади.

«Ҳеч бир юкли жон ўзганинг юкини кўтармас».

Ҳамма ўз оғирлигини ўзи кўтаради. Ҳар ким нима қилса, ўзи жавоб беради. Шу билан бирга,

«Токи расул юбормагунимизча, азобловчи бўлган эмасмиз».

Инсонга ақл, фаросат берганимиздан кейин, дунёдаги қудратимизга, Холиқ, Мудаббир ва Розик эканимизга далолат этувчи мўъжизаларга қараб тўғри йўлни танлаб, Бизга иймон келтириб, ибодат этишини фарз қилиб, бажарилмаса, жазолашни жорий қилсак, ҳаққимиз бор эди. Аммо бундай қилмадик. Бандаларимизга раҳм қилдик. Мазкур нарсалар устига, яна огоҳлантирувчи, эслатувчи пайғамбар юборишни ҳам ирода этдик. Пайғамбар огоҳлантирганидан кейин ҳам иймон ва Исломи йўлини танламаганларни азоблашга аҳд этдик. Пайғамбар ва унинг даъвати етмаганларни эса азобламасликка қарор қилдик.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди